

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2016 йил 6 март • якшанба № 10 (1006)

e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz

www.insonvaqonun.uz

www.insonvaqonun.adliya.uz



ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Муҳтарама онахонлар, кадрли опа-сингиллар, дилбар қизларим!

Она табиат чирой очиб, атроф-муҳит яшил либосга бурканиб, баҳор нашидаси тобора кучайиб бораётган айни шу фусункор айёмда сиз, азизларимни, сизларнинг тимсолингизда бутун Ўзбекистон хотин-қизларини 8 март байрами билан чин қалбимдан табриклашни ўзим учун катта бахт деб ҳисоблайман.

Мана шу байрам кунларида биз — юртимизнинг кексаю ёш барча-барча эркак зоти, мард ўғлонлари ҳақиқатан ҳам Яратганнинг мўъжизаси бўлиш аёл сиймоси олдида, авваламбор, меҳрибон оналаримиз олдида бош эгиб, таъзим бажо келтирамиз.

Мунис опа-сингилларимиз, вафодор умр йўлдошларимиз, дунёдаги энг чиройли, латофатли қизларимизни табриклаб, уларнинг шаънига самимий ва эзгу тилакларимизни, чуккур ҳурматимизни изҳор этамиз, жажжи қизалоқ набираларимизни бағримизга босиб, чин юракдан кутлаймиз.

Шу кунларда ҳаммамизнинг тилимизда, дилимизда бўлган бир фикрни ҳеч иккиланмасдан айтишни зарур деб биламан.

Бу дунёда ширин ва ахил, бахтли ҳаёт учун пойдевор яратиб, инсонни инсон, оилани мустаҳкам оила қиладиган, биз учун севи-муҳаббат, вафо ва садоқат тимсоли бўлиб келаётган сиз, гўзал ва бетакрор, қадрдон аёлларимиз, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Чиндан ҳам, ўзининг бекиёс меҳри ва фидойилиги, сабр-қаноати ва чидамлилиги билан хонадонларимизда, бутун жамиятимизда тинчлик-хотиржамлик, тотувлик ва ҳам-жиҳатлик муҳитини сақлаб, ҳаёти-мизга файзу тароват бағишлайдиган, тунлари бедор бўлиб, болаларимизни баркамол инсонлар, Ватанимизнинг мард ва жасур ҳимоячилари этиб воғна етказадиган ким?

Меҳрибон ва оқила аёлларимиз

эмасми?

Умр йўлларимизда қандай оғир синов ва машаққатлар дуч келмасин, уларни енгиб ўтишда руҳимизни кўтариб, кучимизга — куч, ғайратимизга — ғайрат қўшадиган инсонлар ҳам, ҳеч шубҳасиз, дунёдаги энг мўътабар зотлар, қалби дарё аёлларимиздир.

Шу маънода, Алишер Навоий бобомизнинг "Аёллар — фаришталарнинг опа-сингилларидир" деган ҳикматли сўзларида қандай чуккур маъно борлигини, ўйлайманки, ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Ҳурматли юртдошлар!

Биз ўз олдимизга қўйган олий мақсадимизга эришиш йўлида, яъни жаҳондаги энг тараққий топган, демократик ва эркин давлатлар қаторига кириш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш, халқаро майдонда мамлакатимизнинг обрў-эътиборини юксалтиришда, мухтасар қилиб айтганда, бутун Ўзбекистонимиз кўлга кири-таётган улкан марраларда — бу қайси соҳа, қайси касб-хўнара бўлмасин, уларнинг барчасида аёлларимизнинг муносиб, буюк ҳиссаси борлигини миннатдорлик билан таъкидлаймиз.

Бу ҳақда гапирганда, хотин-қизларимизнинг нафақат кундалик турмушда, балки давлат миқёсидаги энг муҳим масалаларни ҳал қилишда ўрни ва роли тобора ортиб бораётганини алоҳида қайд этишни зарур деб биламан.

Бугунги кунда юзлаб депутат аёлларимиз Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларда халқ вакиллари бўлиб фаолият кўрсатаётгани, давлат ва жамият бошқарувида, сиёсий ва ижтимоий ҳаётимизда, фуқаролик институтлари ва нодавлат тузилмаларда қанчадан-қанча опа-сингилларимиз эл-юрт манфаати учун жон-бошлик билан хизмат қиляётганини ҳурмат билан эътироф этамиз.

Биз учун устувор аҳамиятга эга бўлган таълим-тарбия, маданият ва

илм-фан соҳаларида меҳнат қиляётган ходимларнинг 73 фоизини, соғлиқни сақлаш тизимида 75 фоизини, ишлаб чиқариш тармоқларида 42 фоизини, қишлоқ ҳўжалигида 43 фоизини айнан аёллар ташкил этаётгани уларнинг ҳақиқатан ҳам бирор-бир соҳада ҳеч кимдан қолишмаслигини кўрсатади.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиздаги кичик бизнес субъектларининг 120 мингдан зиёдини, фермер ҳўжалиқларининг 4 минг 550 дан ортигини хотин-қизлар самарали бошқариб, барчага ўрнак ва намуна бўлиб келмоқда.

Мен жойларда бўлиб, мана шундай ўзининг кадр-қимматини, ҳаётининг пасту баландини яхши биладиган, келажакка катта ишонч билан қараб, сидқидилдан меҳнат қиляётган опа-сингилларимиз билан учрашиб, суҳбат қурганда, очигини айтишим керак, ўзим учун катта таассурот, маънавий-руҳий қувват оламан.

Жамиятимиз тараққиётини бугунги юксак босқичга кўтаришда дунёда ўрнатиш кам бўлган ноёб тузилма — маҳалла фаолларининг, хусусан, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи бўлиб ишлаётган, кўпни кўрган, жонкуяр опа-сингилларимизнинг бекиёс ҳиссаси борлиги барчамизни албатта қувонтиради. Элу юртимиз ўртасида соғлом муҳитни мустаҳкамлаш, хонадонларда турли гинаю аразларнинг олдини олиш, ёш оилаларни кўлаб-қувватлаш борасида ўзини аямасдан меҳнат қиляётган ана шундай минг-минглаб аёлларимизга ўз номидан, халқимиз номидан самимий ташаккур изҳор этишни ўзимнинг бурчим, деб биламан.

Азиз опа-сингиллар!

Биз Ватанимиз мустақиллигининг биринчи кунларидан бошлаб юртимизда оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш каби муҳим вазифаларни

давлат сиёсати даражасига кўтарганимиз ва бу соҳада амалга оши-раётган ишларимиз бугунги кунда жаҳон миқёсида ҳавас билан тан олинмоқда.

Бу ҳақда кўп гапирмасдан, биргина 2015 йилнинг ўзида тадбир-кор аёллар учун ажратилган кредит-лар 1 триллион 255 миллиард сўмни ёки 2014 йилга нисбатан 130 фоиз-ни ташкил этганини айтиш kifоя, деб ўйлайман.

Ҳеч шубҳасиз, бундай кўмак ва ёрдам хотин-қизларнинг қобилияти ва салоҳиятини рўёбга чиқариш, уларнинг жамиятимиз ҳаётидаги муносиб иштирокини таъминлашда муҳим амалий қадам бўлмоқда.

Ўтган йили касб-хўнара коллеж-ларини битирган 230 мингдан кўпроқ қиз болалар ишга жойлаштирилган, тадбиркорлик соҳасида ўз иш-ни бошлаётган 6 мингдан ортиқ ёш қизларга 51 миллиард сўмдан зиёд кредитлар ажратилган ҳам опа-сингилларимизнинг ҳаётий манфаат-ларини таъминлаш борасидаги салом-қилиш ишларимиз қаторига қиради.

Шу билан бирга, кейинги икки йилда 2 минг 80 та хонадонга мўлжалланган 57 та кўп қаватли "Қа-молот" уйлари барпо этилиб, ёш оилаларга берилгани, минглаб ёшларимиз учун имтиёзли ипотека ва истеъмол кредитлари ажратил-гани ва бундай тадбирлар изчил давом эттириляётганини қайд этиш ўринлидир.

Шулар ҳақида сўз юритар экан-миз, 2015 йилда 1 минг 668 нафар спортчимиз, жумладан, 567 нафар қизимиз халқаро мусобақаларда иштирок этиб, 983 та медалга эришгани, иқтидорли фарзандлари-миз нуфузли халқаро танловларда 137 та совринли ўринни, жумладан, 76 та гран-прини кўлга киритгани-ни юртимизда соғлом ва баркамол авлодни шакллантиришга қаратил-ган кенг кўламли ишларимизнинг амалий натижаси сифатида қабул қиламиз.

Айни вақтда хотин-қизларимиз учун янада қулай шароитлар яра-тиш, уларнинг оғирини енгил қилиш, ўз билим ва профессионал малакасини амалда намоён этиши учун кенг йўл очиб бериш бўйича ҳали кўп иш қилишимиз керак.

Айниқса, жондан азиз фарзанд-ларимизни дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган инсонлар қилиб камол топтириш, аввало, қиз боланинг тақ-дири ҳақида ғамхўрлик қилиш, уни бамисоли жамиятимизнинг гулидек тарбиялаб, воғна етказиш, бўлажак оиланинг бахтли бекаси сифатида қўриш вазифаси, яна ва яна бир бор айтман, барчамизнинг энг олий мақсадимиз бўлиши даркор.

Нега деганда, бунинг негизида халқимиз, миллатимизнинг ҳаёти, келажиги билан боғлиқ оддий ва шу билан бирга, ўта масъулиятли ҳақиқат мужассам бўлиб, уни ҳеч қачон унутмаслигимизни истардим. Яъни, қизларимиз тимсолида биз авваламбор бўлгуси оналарни, ҳам жисмоний, ҳам маънавий соғлом авлодни ўзимизга тасаввур қиламиз, наслимиз давомчиларини кўра-миз. Ҳеч шубҳасиз, қиз бола соғлом, билимли, замонавий касб-хўнара эга-си бўлса, у қурадиган оила ҳам, бу оиланинг меваси бўлиш бола ҳам соғлом ва бахтли бўлади. **Оила соғ-лом ва бахтли бўлса, бутун жа-мият барқарор ва фаровон бўла-ди.**

Ҳаммамиз яхши тушунамизки, мамлакатимизда 2016 йилнинг Соғ-лом она ва бола йили деб эълон қилиниши аввало ана шундай эзгу мақсадга хизмат қиляди. Ушбу дас-тур доирасида жами 7 триллион 483 миллиард 300 миллион сўм ва 194 миллион 400 минг доллар ҳажмида-ги ишларни амалга ошириш белги-ланганининг ўзи, ўйлайманки, унинг миқёси ва кўлами қандай улкан экан-нидан далолат беради.

Дастурда белгиланган, кундалик ҳаётимизда энг муҳим эътибор қаратиш зарур бўлган йўналишлар

ҳақида гапирганда, биринчи навбат-да, тиббиёт масканлари, оилавий поликлиникалар, қишлоқ врачлик пунктларининг моддий-техник база-сини мустаҳкамлаш, акушер-гинеко-логлар, болалар шифокорларининг малакасини юксалтириш, она ва бо-ланинг соғлиғидан мунтазам хабар олиб, уларга тегишли ёрдам кўрса-тадиган патронаж ҳамширалар со-нини кўпайтириш каби ўта долзарб масалалар бундан бўён ҳам диққа-тимиз марказида бўлади.

Юртимизда ҳуқи сураётган ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва аҳилликни янада мустаҳкамлаш, ёшларимиз-нинг онги ва қалбини бизга мутлақо ёт бўлган зарарли оқим ва таъсир-лардан, "оммавий маданият" хуруж-ларидан сақлаш, оилаларда, маҳал-ларда олиб бораётган тарбиявий ишларимизни янги босқичга кўта-ришни бугун тобора кескинлашиб, мураккаблашиб бораётган ҳаётнинг ўзи барчамиздан талаб этмоқда.

Ана шундай ўткир масалаларни ечишда мен сиз, муҳтарам аёлла-римизга, сизларнинг ақл-заковатин-гиз, олижаноб фазилатларингизга таянишини, сизларни ўзимнинг энг яқин маслаҳатчиларим ва саф-дошларим, деб билишимни фурсат-дан фойдаланиб бугун яна бир бор таъкидлаб айтмоқчиман.

Азиз ва кадрли опа-сингилларим! Бамисоли баҳор элчиси бўлиб ке-лаётган, ўзингиздек гўзал ва дил-бар мана шу кўтлуг айёмда барчан-гизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу ба-рака тилайман.

Умрингиз узок, иқболингиз зиё-да бўлсин!

Барча эзгу орзу-ниятларингиз амалга ошсин!

Доимо оилангиз ва фарзандла-рингиз, элу юртимиз ардоғида бўлинг, азизларим, меҳрибонларим!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

✓ "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури амалда

Бола кўтарган аёл...

Бутун заминни бағрига олган билан баробар


Аёл — ҳар бир инсоннинг қалб гавҳари, ақин суяғи, сирдоши... Дунёда ўхшаш йўқ гўзаллик тимсоли саналади. Ундаги ирода ва сабр-бардош улкан қояга, кўнгли эса нозик ниҳолга қийсланади. Аёл ўзининг латофати ва нидоки билан дунёни кинрикларида тутиб туриши мумкин. Кабардин шoirи Олим Кешоков аёлга қарата: "Агар мен тоғ бўлсам, сен тоғтин шафаксан", деган экан.

Аёлга берилган бундай латиф ва нафис ташбеҳу таърифларнинг тугали йўқ!

Аёлнинг тоғгани ҳам, топинадигани ҳам фарзанди. У фарзандини юрак қўри, кўзлари қароғида ардоқлаб, умрини унга бахшида қилиб аяшайди. Бу илоҳий фидойи-лик у учун ҳар қандай молу давлатдан, беназир гўзаллик-дан, ҳар қандай мўъжизадан устун туради.

Заминни болалар кўтариб туради, деган гап бор. Бола кўтарган аёл эса бутун ола-ми бағрига олган билан ба-робар. Фарзандига кўксини тутаятган она дунёдаги ту-гал бахтининг тимсоли бўлиб кўринади. Чунки онанинг бо-ладан айро бахти, йўқ, Бу ёрғун оламда улардан ўзга тинч ва гўзал манзарани то-полмаймиз ҳам.

Ҳақиқатан, фарзандини бағрига босиб турган аёл



тинчлик барқарор бўлиши-ни тилаётган, осийишта ҳаёт, сокинлик учун бетиним шук-рона айтаётган муқаддас зот, фариштадек хилқатдир. Дунё дунё бўлиб яралибди-ки, у ҳамма ҳавас қилгудек оилам, соғлом фарзандла-рим, юртимда доимо тинч-лик, элдошларимда оқибат барқарор бўлса, дея оқ ва пок ният қиляди.

Шунинг учун ҳам қадим замонлардан то ханузгача оналар сиймоси улуғланади, қадри баланд тутилиб, улар-га ҳурмат ва эътибор кўрса-тилади.

Хусусан, истиқлол йилла-рида юртимизда оналар ва болаларга бўлган эътибор ва ғамхўрлик янада кучайди. Давлатимиз томонидан она-лик ва болаликни муҳофа-за қилиш, жамият ҳаётидаги ўрни ва нуфузини ошириш, иқтимоий муаммоларини ҳал этиш, саломатлигини таъ-минлаш, оила мустаҳкамли-ги, турмуш фаровонлигини юксалтириш, соғлом ва бар-камол улғайишга йўналти-рилган қатор ҳуқуқий ҳў-жатлар қабул қилинди ва бу жараён давом этмоқда.

2016 йил 9 февралда

Президентимиз томонидан "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури тасдиқланиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда. Унда оналик ва болаликни муҳо-фаза қилиш тизимини тако-миллаштириш, жамиятда она-ларга алоҳида ҳурмат-эъти-ром кўрсатиш, баркамол ав-лодни тарбиялаш, оила ин-ститутини мустаҳкамлашда давлат ҳокимияти органлари ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар кўзда тутилган. Бу эса давлатимизнинг оила, хо-тин-қизлар ва ёш авлодга оид

иқтимоий йўналтирилган дав-лат сиёсатининг қонуний ва мантқий давоми бўлиб, ўтган йиллар мобайнида иш-лаб чиқилган Давлат дастури-ларига ҳамоҳанг ва уларнинг юксак голярини амалга оши-ришга хизмат қиляди.

Бу борада мустақиллик йилларида ҳам жисмонан, ҳам маъна соғлом, Ватанга садоқатли, унинг тақдирини ўз келажиги, деб биладиган баркамол авлодни тарбия-лашга, шундай фарзандлар-ни дунёга келтирадиган она-лар саломатлигини мустаҳ-камлашга, бир сўз билан ай-тганда, соғлом ва обод оилаларни барпо этишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Соғлом зурриё-ни дунёга келтириш, оила-ни, оналик ва болаликни му-ҳофаза қилиш, ёшларимиз, айниқса, қизларнинг жисмо-ний ва маънавий жиҳатдан баркамол бўлиши, замона-вий билим ва касб-хўнара сир-ларини пухта эгаллаши, ўз иқтидор ва қобилиятини рўёбга чиқариши учун кенг имкониятлар яратиш бораси-да чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Энг муҳими, мамлаката-мизда соғлиқни сақлаш ти-зимини тубдан ислоҳ қилиш доирасида соғлом она ва бола миллий модели шакл-лантирилиб, унинг самарадорлиги эса бугун дунёда эъти-роф этилмоқда.

2

✓ Омма ва ҳуқуқий тарғибот

Ҳар бир тадбир ўз самарасини бериши керак

МАЪЛУМКИ, Президентимизнинг 2011 йил 23 августдаги 1602-сон Қарорига муво-фиқ Адлия вазирлигининг Ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълим бошқармаси Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгашининг ишчи органи ҳисобланади.

Маъмур Идоралараро кенгашининг 2016 йил учун иш-режаси ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳўжатларнинг мақсади, мазмун-муҳитини аҳолига етказишда оммавий ахборот воси-талари, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан самарали фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу ишга фуқаролик жамияти институт-ларини кенг жалб қилиш юзасидан "Аҳоли-нинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш бўйича чора-тадбирлар дастури", шунингдек, "Адлия вазирлиги ти-зимидagi таълим муассасаларида маънавий-маърифий тарбиявий ишларни янада жадал-лаштириш юзасидан чора-тадбирлар режа-си" тасдиқланиб, иккюрга қаратилди.

Жорий йилнинг январь ойида адлия органлари томонидан жами 3 679 та ҳуқуқий тарғибот тадбири ташкил қилин-ди. Уларда 157 566 тингловчи (шундан 95 722 нафари ёшлар) иштирок этишди.

Тарғибот тадбирларининг 810 таси омма-вий ахборот воситалари орқали амалга оши-рилди. Телевидениеда 168 та кўрсатув, ра-диода 270 та эшиттириш эфирга узатилди. Газеталарда 283 дан зиёд, журналларда эса ўнлаб мақолалар чоп этилди. Веб-саҳифа-ларга 84 та материал жойлаштирилди.

Ҳуқуқий тарғибот тадбирлари оммага таъ-сирчан тарзда етказилиши учун давра суҳба-ти, семинарлар шаклида ўтказилди. Бу йўна-лишда 63 турдаги плакат ҳамда буклетлар 2 313 нусхада тайёрланиб, тарқатилди.

Амалга оширилган ҳуқуқий тарғибот тад-бирлари кенг кўламада олиб бориляётган бўлса-да, айрим жойларда ўз ечимини ку-таётган муаммолар борлигидан ҳам кўз ююлмаймиз.

Хусусан, норматив-ҳуқуқий ҳўжатларни эълон қилишининг расмий манбалари би-лан барча давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари марказий аппаратлари, тарғибот ва ҳудудий бўлиналари ўз вақтида ва етар-лича таъминланмаяпти, бу бўйича ханузга-

ча зарур чора-тадбирлар кўрилмааяпти. Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат соҳа-сида ишлар иккюрга қаратилган Меморан-думлар асосида ташкил этилмаяпти ҳам аниқланди. Бу бўйича давлат бошқаруви органлари ва жамоат бирлашмаларининг етарли даражада ҳамкорлик қилиши мақ-садга мувофиқдир.

Масалан, ҳудудий адлия органлари томо-нидан соҳага оид ишларни ташкил этиш бўйича давлат бошқаруви органлари ва жа-моат бирлашмалари учун ўқув-семинарлари ўтказиб турилиши ҳам бугун заруратга ай-ланмоқда. Энг муҳими, тадбирлар шунчаки номингагина эмас, балки иккюбий самара бе-риш нуктаи назаридан ўтказилиши керак.

Олий, ўрта-маҳсус ва касб-хўнара таъ-лими муассасалари ўқувчи-талабаларининг аксарияти ҳуқуқий маданият тушуначисидан ҳақдор, қонунларга иккюбий ёндашиш-ди. Шу билан бирга, ёшларнинг иқтимо-ий-иқтисодий ҳуқуқларидан ҳақдорлик даражаси юкюри бўлса-да, улар сийлов жа-раёни билан боғлиқ билимларини янада мукамал эгалласалар яхши бўларди...

Аёлларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти-ни янада юксалтириш масаласи бугуннинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб ту-рибди. Ҳудудлардаги туман-шаҳар хотин-қизлар кўмиталари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг диний маъ-рифат ва маънавий-ахлоқий тарбия маса-лалари бўйича маслаҳатчилари ўртасида ўзаро ҳамкорлик талаб даражасида бўлса-гина ишимиз самараси кўзга ташланади.

Юқюрида қайд этилган камчилик ва муаммолар масалаларни бартараф этиш, ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича иш-ларни услубий жиҳатдан таъминланиши-ни ташкил этиш, давлат бошқаруви орган-лари масъул ходимларининг масъулияти ва иқтимоий фаол-лигини янада ошириш, мамла-катда олиб бориляётган кенг

3

Бола кўтарган аёл...

Бутун заминни бағрига олган билан баробар

(Давоми.
Боши биринчи бетда)

Куйида амалга оширилган бу каби эзгу саяёҳаракатлар мазмун-моҳияти хусусида соҳа мутахассисларининг фикр-мулоҳазалари билан танишасиз.

Нилуфар РЎЗИЕВА,
Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими бош мутахассиси:

— Мустақиллик йилларида хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги ўрни ҳамда маънавий-маърифий, маданий томондан қўллаб-қувватлаш, ҳаётдаги ўрни ва мавқеини мустаҳкамлашдек эзгу ният мустаҳкам. Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги “Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони бу эзгу ишларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этди.

Дарҳақиқат, давлатимиз томонидан аёллар ҳуқуқи билан боғлиқ 60 дан зиёд халқаро конвенция, битим ва шартномаларнинг имзолангани жамиятда аёллар мавқеини юксак даражага кўтариш йўлида ташланган муҳим қадамлар саналади. Жумладан, Ўзбекистон Марказий Осиё ҳудудида биринчилар қаторида “Хотин-қизлар билан қандай камситилишига барҳам бериш Конвенцияси”га қўшилиш, Конвенция ратификация қилингач, унинг асосида Миллий ҳаракат дастури ишлаб чиқишли муҳим аҳамият касб этди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан ўтган 2015 йил ойлик режалар асосида ҳомиладор аёллар ва болаларни парваришлаш бўйича оила аъзоларининг масъулиятини ошириш, бола тарбиясида ота-оналар қўриқчилари яхшилаш юзасидан жойларда бир қанча тиббий савдоҳонлик тадбирлари амалга оширилди. Хусусан, ушбу тарғиботлар асосида аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш борасида 10,87 миллион нафар туғилган ёшдаги аёллар ва 9,7 миллион нафар болалар тиббий кўриқдан ўтказилди. Шунингдек, аҳоли орасида репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш ва тиббий маданиятни кенг тарғиб қилиш мақсадида “Саломатлик секторлари” фаолияти ташкил этилди. Унга асосан оилавий поликлиника ва қишлоқ врачлик пункти шифокорлари ва патронаж ҳамшираларига белгиланган ҳафта кунлари давомида кенг қўламли тарғибот тадбирлари ўтказилиши режалаштирилди. Хотин-қизлар кўмитаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда ҳар ойда соғломлаштириш ҳафталиклари ўтказиш ҳамда туғилган ёшдаги аёллар, ўсмир қизлар ва болаларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш бўйича чора-тадбирлар давом эттирилмоқда. Шунингдек, хотин-қизлар ва аёллар спортини ривожлантириш мақсадида улар ўртасида жисмоний тарбия қўқимчаларини кенг тарғиб қилиш, соғлом турмуш тарзига риоя этиш юзасидан “Эъзозли аёллар”, “Спорт нафислик-саломатлик манбаи”, “Гимнастика барча

учун” каби бир қатор спорт мусобақалари ўтказилди. Қолаверса, “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастурида жисмоний тарбия ва спортни кенг оммалаштириш, ёшлар, айниқса, қишлоқ жойларда қизларнинг спорт билан мунтазам шугулланишга жалб этиш, янги спорт объектлари қуриш ва мавжудларининг

даси, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги “Никохланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорига амал қилишлари кўзда тутилди. Ўз навбатида, бу кўриқлаётган чора-тадбирлар никоҳ ва оилани муқаддас

ри бошланди. Жиноят кодексига фарзанди уч ёшга тўлмаган аёлларга (бола тарбияси учун таътилга чиқишдан қатъи назар) нисбатан жиноят қонунчилигини янада эркинлаштириш, уларни ахлоқ тузатиш ишлари қўлланилмайдиган шахслар тоифасига киритишга қаратилган тузатишлар киритиш кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг “Мурувват” интернат-уйлари, бошқа давлат ва нодавлат таълим муассасаларида тарбияланаётган ногирон болалар учун парваришлаш марказлари (гуруҳлари)ни ташкил этиш кўзда тутилган қарорини қабул қилиш режалаштирилмоқда.

Гўзал КОДИРОВА,
Юнусобод туман 51-оилавий поликлиника бош шифокори:

— “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастурида турмуш қураётган ёшларнинг никоҳдан олдин тўлиқ тиббий кўриқдан ўтишини таъминлаш учун тиббиёт ходимларининг масъулиятини янада кучайтириш, шу асосда, туғма ва ирсий касалликлар сонини камайтириш, поликлиникаларни за-



моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий спорт ускуна ва анжомлар билан жиҳозлаш, юқори малакали кадрлар билан таъминлаш вазифалари белгиланган.

Бу борада умумтаълим мактаблари учун қўшимча 1,7 мингдан зиёд спорт зали, жумладан, 2016 йилда барча мактабларда спорт клублари, жамоалар ва спорт турлари бўйича мактаб лигаларини ташкил қилиш ҳисобга олинган ҳолда 217 та зал барпо этиш, ҳар бир туманда зарур ускуналар билан жиҳозланган камидан биттадан болалар-ўсмирлар спорт мактаби (225 та), хусусан, 2016 йилда 15 та шундай мактаб қуриш режалаштирилмоқда.

Шунингдек, “Соғлом она ва бола йили” муносабати билан Хотин-қизлар кўмитаси томонидан ижтимоий шериклик тамойилларига асосланган ҳолда мамлакатда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом бола туғилишини таъминлаш, ҳар бир оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш, экологик маданиятни тарғиб қилиш, ҳомиладор аёлларнинг ва никоҳдан ўтаётган ёшларнинг тиббий кўригини сифатли амалга ошириш, эрта туғуруқларни бартараф этиш мақсадида барча мутасадди давлат ва жамоат ташкилотлари вакилларида иборат ишчи гуруҳларни ташкил этиш ва доимий фаолиятини йўлга қўйиш режалаштирилган.

Гулнора ИНАМЖОНОВА,
Юристар малакасини ошириш маркази катта ўқитувчиси, юридик фанлар номзоди:

— Президентимиз таъкидлаганидек, оила — ҳаёт абадийлиги, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган, халқимизнинг муқаддас урф-одатлари сайқал топадиган, келажақ авлод қамолотида бевоқифа таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғидир.

Оилада ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжатлар оила қуришининг биринчи шарти — икки шахс ўртасида никоҳнинг қайд этилиши орқали эр-хотин тушунчаларининг пайдо бўлиши, уларнинг бир-бирлари олдига ҳуқуқий манфаатлари туғилиши, оилада соғлом муҳит, бахтли болаликнинг вужудга келишига замин яратилади. Масалан, оила қуриш ниятидаги фуқаролар даставвал Оила кодексининг 17-мод-

билиш, тоза насл, соғлом авлодни дунёга келтириш ва тарбиялаш, оила мустаҳкамлигини таъминлаш, болалар келажагига ғам-хўрлик ва масъулият ҳиссини ошириш, шу асосда, оилада соғлом муҳит яратиш, оилавий ажримларни бартараф этишда ижобий самара беради. Айниқса, турмуш қураётган ёшларни тиббий кўриқдан ўтказиш сифатини яхшилаш, улар орасида соғлом турмуш тарзи, туғма ва ирсий касалликлар билан туғилган ҳамда яқин қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олишда кўл келади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Асосий қонунимиз, Оила кодекси ва унга мувофиқ қабул қилинаётган бошқа меъёрий ҳужжатларда оилада эр-хотиннинг бурчи ва мажбуриятлари, боланинг туғилганлик фактини белгилаш, фарзанд тарбиясига масъуллиқ, бола ҳуқуқлари, уй-жай билан таъминлаш, алимент, оталикни белгилаш, вазийлик ва ҳомийлик, маънавий-руҳий муҳитдаги болалар тарбияси, иқтисодий таъминот билан боғлиқ бўлган бир қатор масалалар ўз ифодасини топади. Масалан, она ва бола соғлиғи, манриши, эрта туғуруқларни бартараф этиш мақсадида барча мутасадди давлат ва жамоат ташкилотлари вакилларида иборат ишчи гуруҳларни ташкил этиш ва доимий фаолиятини йўлга қўйиш режалаштирилган.

Поликлиникамида ҳар йили туғиш ёшдаги аёллар ва болаларни оммавий профилактика қўриғидан ўтказиш йўлга қўйилган. Икки ёшгача бўлган болаларнинг барчаси эмланмоқда. Ушбу чора-тадбирлар натижасида хотин-қизлар ҳамда болалар, умуман, ҳудудимиз аҳолисининг касаллигини даражаси камайди. Масалан, биргина 51-оилавий поликлиника Юнусобод туманида жойлашган 10 та маҳаллада яшовчи 33760 нафар аҳолига, яъни 9281 та хонадонга тиббий хизмат кўрсатади. Шундан 12164 нафари болаларни ташкил этиб, поликлиника томонидан режадаги болаларнинг 97 фоизи эмлов билан камраб олинади. Поликлиникада ёш оналар ва фарзандлар саломатлигини олдиндан текшириб борилади. Ҳар 3-6 ойда ҳомиладор аёллар тиббий кўриқдан ўтказиш турилади. Кўрик жараёнида аниқланган касалликлар режалари муолажалар асосида даволаб борилади.

Хулоса қилиб айтганда, соғлом она ва бола, деган улуг ғояни барча қурбдошларимизнинг қалби ва онгига чуқур сингдириш, баркамол авлодни вояга етказиш масаласи тоғмаёнада умумийлиги ҳаракатга айланган. Демак, соғлом она ва бола манфаатлари йўлида қилинаётган эзгу саяёҳаракатларни олиқлаш, бу борадаги ишларимизни янада кучайтиришда ҳар биримиз ташаббускор ва масъул бўлишимиз зарур.

Гулсумхон ШОДИЕВА,
“Инсон ва қонун муҳбири

Қонун ижодкорлигини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари

Ҳуқуқий тартибга солиш тизимининг

мукаммал бўлишини таъминлаш — долзарб вазифа

Учинчи мақола

ФАҚАТ ҳуқуқий давлат шароитидагина демократик тартибга эришилади, демократик институтлар ва қадриятлар ҳаётга таъбиқ этилади, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, энг асосийси, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояси амалда таъминланади. Булоқ донишмандлар “Нимсикий қонуний бўлса, у — адолатлидир”, деб таъкидлаганлари бежиз эмас. Яъни, айнан қонун адолат манбаи ва мезонидир. Бу қонунлар қабул қилиш ва уларни ҳаётга жорий этиш механизмлари ҳар томонлама пухта ишлаб чиқишни, умуман ҳуқуқий тартибга солиш тизимини такомиллаштиришни энг долзарб вазифага айлантиради.

Президентимиз Асосий қонунимиз қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида шу ҳақда тўхталар экан, “Афсуски, кўп ҳолатларда бу қонунларга мувофиқ белгиланган нормаларни қандай вазиятда қандай қўллаш лозимлигини кўрсатиб берадиган ҳуқуқий механизмларни, қонуности ҳужжатларини, содда қилиб айтганда, қабул қилинган қонунларни амалга ошириш механизмларини аниқлаб берадиган ҳужжатларни қабул қилишни кейинга сурагимиз. Бундай тажриба шунга олиб келадикки, сиёсий ва иқтисодий ривожланиш, бозор ислоҳотларини қўқурлаштириш соҳасидаги қўпгина масалалар зарур ва энг оддий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таъминланмай қолди” деб уқтирди.

Давлатимиз раҳбари бунинг учун парламент фаолиятини замонавий талабларни инобатга олган ҳолда тубдан яхшилаш, қонун ижодкорлиги ва қонунчилик фаолияти сифатини ошириш юзасидан олдинда турган устувор вазифаларни аниқ белгиллаб берди.

Биринчидан, қонун ва қонунчилик ҳужжатларини қабул қилишда уларнинг умумий принциплар ва механизмларини белгилаб қўйиш билан чегараланмаслик керак. Шу билан бирга Олий Мажлис ҳамда Вазирлар Маҳкамаси қонунчилик ташаббуси ҳуқуқий субъектлари қабул қилинаётган қонунчилик ҳужжатлари ҳаётдаги аниқ ижтимоий муносабатларни кенг миқёсда амалда тартибга солиб бориши, ҳуқуқий муносабатларда иштирақ этадиган ҳар бир субъект ўз фаолиятида қонун талабларига асосланиш учун уларни ҳаётга жорий этиш механизмларини ҳар томонлама пухта ишлаб чиқишлари талаб этилмоқда.

Иккинчидан, давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари қабул қилинаётган қонунларни ижрочиларга ўз вақтида етказиш, уларнинг бажарилиши устидан таъсирчан назорат ўрнатиш бўйича жавобгарлигини қўқайтириш зарур. Бунда қонунчи бажармаслик билан боғлиқ ҳар бир ҳолат бўйича аниқ ҳуқуқий жавобгарлик ҳазо турлари ҳамда ҳуқуқий таъсир чоралари кўзда тутилиши, айниқса, муҳимдир.

Учинчидан, қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижрочиларга етказишни аниқ тартибга соладиган махсус қонун ҳужжатини ҳам қабул қилиш ва амалга ошириш керак. Аҳолини қабул қилинаётган қонунларнинг мақсади, мазмун-моҳиятидан кенг хабардор этиб бориш мамлакатимизда қонун устуворлиги ва қонунийлигини, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиздир.

Тўртинчидан, қонун ижодкорлиги фаолиятини прогноз қилиш ва режалаштириш бўйича самарали тизим яратиш талаб этилмоқда. Бу нафақат давлат бошқаруви, иқтисодий тараққиёт соҳасидаги аниқ вазифаларни ҳал этишда, балки стратегик мақсадимиз — демократик-ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуришни изчил амалга оширишда қандай қонунлар қабул қилишимиз кераклигини аниқ белгилаш имконини беради.

Бешинчидан, ҳозирги давр талабларига кўра, янги конституциявий шароитлар ушбу соҳадаги ишларни ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилган ҳуқуқий қонунчилик асосида ташкил этилиши ва бажарилиши лозим. Шу мақсадга йўналтирилган “Парламент назорати тўғрисида” ва “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунлар тезроқ қабул қилиниши давр тақозосидир.

Қонун ижодкорлигида мавжуд бўлган муайян камчилик ва нуқсонлар ҳамда амалдаги қонун ҳужжатларидаги ҳуқуқий бўшлиқ оқибатда қўқайди ҳаётимизда қонунларга риоя қилинмаслик, қонун ва қонунийлиқнинг, адолат мезонларининг амалда бузилиши, ҳуқуқий муҳофаза қилувчи ва назорат органлари томонидан ўз бурчи соғломлик билан қараш ҳолатини ҳали ҳам учрайди. Қонун бажарилмас, қонунда муҳрлаб қўйилгани ҳаёт амалиётига мос бўлмас одамларнинг қонун устуворлигига, унинг



талаб ва нормалари ҳамма учун мажбурийлигига, муқаддаслигига, пировард натижада адолатта ишончи йўқолади. Бунинг оқибати аянқлидир: қонун устувор бўлмаган жойда унинг ўрнини коррупция балоси эгаллаши тайин.

Шунинг учун қонун ижодкорлиги жараёнини такомиллаштириш ва демократлаштириш — энг долзарб вазифадир. Бунинг учун қуйидаги амалий чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

биринчидан, парламентда қонунларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлайдиган аниқ тизим яратилиши лозим;

иккинчидан, у ёки бу қонунга ҳаётда қай даражада эҳтиёж бор ва у амалиётда самарали қўлланиши чуқур ўрганиб чиқишли даркор;

учинчидан, ҳозирги шароитда туғридан-туғри ҳаракат қиладиган ва бевосита таъсир кўрсатадиган қонунлар, кодификация қилинган қонунчилик ҳужжатларини қабул қилиш мақсадаги мувофиқдир;

тўрттинчидан, қонунларнинг сифати ва ижтимоий муносабатларга таъсирчанлигини ошириш учун улар илмий, ҳуқуқий, лингвистик, молиявий экспертизадан ўтказилиши, олимлар, юқори малакали мутахассис ва экспертларни кенг жалб этган ҳолда давлат бошқаруви ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг турли бўғинларида кенг ва амалий муҳофиза қилиниши таъминланиши керак;

бешинчидан, қонун лойиҳаларини ҳорижий ҳуқуқий амалиёт билан ҳар томонлама чуқур қиёсий таҳлил қилиш асосида уларни муҳофиза этиш, тайёрлаш ишларини сифат жиҳатидан янада юқори босқичга кўтариш муҳимдир;

олтинчидан, қонунларда кўзда тутилган ҳуқуқий нормалар амалиётда тўлиқ қўлланилишини таъминлайдиган қонуности ҳужжатлари ўз вақтида қабул қилиниши талаб қилинади;

еттинчидан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, сиёсий партиялар палаталари ва энг аввало, фракцияларнинг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш, қабул қилинаётган қонунлар, муҳим ижтимоий-сиёсий, иқтисодий давлат дастурларининг ижросини сўзсиз таъминлаш борасидаги фаолияти сифат жиҳатидан янги асосда қурилиши лозим.

Юқорида қайд этилганлар парламентда олиб борилаётган таҳлилий-назорий ишлар самарадорлигини, депутатларнинг тайёргарлик, хабардорлик ва малака даражасини, умуман профессионал савиясини сезиларли равишда оширишни тақозо этади. Бунинг аввалиги парламент таркиби томонидан қабул қилинган 140 дан зиёд қонуннинг атиги 19 таси Қонунчилик палатаси депутатлари ташаббуси билан қабул қилинган ҳам кўрсатиб турибди. Ана шу қонунларнинг атиги 3 таси янги қонунчилик ҳужжатлари бўлиб, 16 таси амалдаги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш билан боғлиқ, асосан юридик-техник бузуслиқга эга бўлган қонун ҳужжатларидир.

Шу билан бирга ўтган беш йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан турли давлат бошқаруви органларига айрим ижтимоий масалалар бўйича атиги 7 та сўров юборилган. Ҳолбуки, ҳозирги шароитда парламент эшитувлари, ҳукумат аъзолари, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг қонун талаблари ижроси бўйича амалга оширилаётган

ишлар тўғрисидаги ҳисоботларини тизимли равишда эшитиб бориш, депутатларнинг сўровларига атрофлича жавоб қайтаришни таъминлаш парламентнинг қўқайди иши бўлмоғи зарур.

Бунинг учун депутатлар томонидан демократик давлатларнинг қонун ижодкорлиги тажрибасини ўрганишлари, тайёрланаётган қонун лойиҳаларини ривожланган ҳорижий мамлакатларда қабул қилинган шундай қонунлар лойиҳалари билан қиёсий таҳлил қилишга бағишланган турли конференция ва семинарлар, давра суҳбатлари ўтказиш ҳар тарафлама фойдалидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси фаолиятида сиёсий партиялар фракцияларининг ўрни ва аҳамиятини янада ошириш ҳам муҳимдир. 2007 йилда “Давлат бошқарувини яхшилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини қўқайтириш тўғрисида”ги конституциявий қонуннинг қабул қилиниши сиёсий партиялар фракцияларининг ҳуқуқий ма-

қоми, жумладан, парламентдаги кўпчилик ва парламентдаги муҳолифат мақоми, уларнинг алоҳида ҳуқуқлари ва фаолияти самарадорлигини кафолатлади.

Шу билан бирга мамлакатимиз парламентида ва маҳаллий вакиллик органларида сиёсий партиялар фракциялари ва депутатлик гуруҳлари ўртасида доимо фикрлар қарама-қаршилиги, баҳс-мунозаралар бўлиши, айнан шу ерда сиёсий партияларнинг дастурий мақсадлари, манфаатлари ифода этилиши, улар ўз фикрларини илгари сурядиган қўқайи фракциялараро рақобат бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Айни пайтда партияларнинг ў ёки бу қонун бўйича позицияси, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётнинг муҳим масалаларига доир фракциялараро баҳс-мунозаралар мазмун-моҳиятидан кенг жамоатчилик ва сайловчиларни ҳар томонлама тўлиқ хабардор қилиб бориш ҳам лозим.

Сиёсий партиялар фракцияларнинг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш, қабул қилинаётган қонунлар, муҳим ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий давлат дастурларининг ижросини сўзсиз таъминлаш борасидаги фаолияти ҳам сифат жиҳатидан янги поғонага кўтарилиши лозим.

Қонун ижодкорлиги фаолиятини социологик жиҳатдан ҳам таъминлаш талаб этилмоқда. Бу қонун лойиҳалари бўйича жамоатчилик фикрини ўрганишни йўлга қўйиш талаб этади. Айнан шу мақсадда қабул қилинаётган қонунларнинг ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий жараёнларга таъсирини баҳолаш услубини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш керак.

Олиб борилаётган илмий тадқиқотларда амалий қонун ижодкорлиги фаолияти эҳтиёжлари ҳисобга олиниши ҳам жуда муҳимдир. Бу илмий ва ўқув ишлари дастурларида ўз ифодасини топиши керак. Фуқароларнинг қонунга ҳурмат руҳида тарбиялаш ҳам муҳим вазифалардан биридир. Жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси амалдаги қонунларни пухта билишлари, уларда белгиланган ҳуқуқий талаб ва нормаларга онгли равишда риоя этишлари керак. Бунинг учун аҳолининг ҳуқуқий таълим даражасини, ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини янада юксак даражага кўтариш талаб этилади.

Қабул қилинаётган қонунларни омма орасида кенг тарғиб қилиш, ҳуқуқий маърифат ва тарғибот ишларини амалга оширишда оммавий ахборот воситаларининг роли ҳам каттадир. Газета ва журналларда, телевидение ва радиосиёҳитиришларда, интернетда қонун лойиҳаларининг кенг муҳофиза қилиниши йўлга қўйилиши муҳимдир.

Ҳозирги кунда қонун ижодкорлигини такомиллаштириш бўйича Президентимиз томонидан белгиланган вазифалар юзасидан аниқ чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган ва изчил амалга ошириб боришмоқда.

Акмал САИДОВ,
юридик фанлар доктори, профессор

Тизим тадбири

Ўзғаллик байрамига бағишланди

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Адлия вазирлигида 8 март — Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан тадбир ташкил этилди.

Адлия вазири ўринбосари А.Усманов баҳор, яшариш ва ўзғаллик айёми билан жамоада меҳнат қилаётган хотин-қизларни вазирлик раҳбарияти номидан муборакбод этди.

Таъкидланганидек, барча замонларда ҳам аёллар ҳаётида хурмат ва эъзозда бўлиб келишган. Чунки аёллар нафақат бугунги кунимизнинг мазмуни, балки эртанги кунимиз давомчилари, келажак авлоднинг яратувчиларидир.

Бу кўҳна дунёни абадий ёритиб турадиган вафо, меҳр-муҳаббат, севги ва садоқат тушунчалари ҳам аёл қалбидан нур олади. Чунки буюк зотларнинг қай бири аёл зотини нечоғлик улуғламасинлар унинг ўзгаллиги, жозибаси олдидаги хайратлари янада юксалаверган.

Мухтарам Президентимиз ҳам доимо ўз маърузаларида, аёлларга юксак ҳурмат ва эҳтиром билдириб, ҳаётимизни янада обод ва фаровон қилишда, қайси соҳа бўлмасин, аёлларнинг қўшаётган бекиёс ҳиссасини алоҳида эътироф этади.

Қолаверса, Ўртбошимиз томонидан жорий йилнинг "Соғлом она ва бола йили", деб эълон қилинганлиги ҳамда бу борада алоҳида дастурнинг қабул қилинганлиги аёлларимизга бўлган эътиборнинг давлат сиёсати даражасидаги эътирофидир.

Тинч ва осойишта ҳаётнинг, меҳр-оқибат, шафқат ва муруват туйғуларининг қадрига етадиган жонқуяр ва оқила аёлларимизнинг оила ва маҳаллада, жамиятимизда ўзаро ҳурмат ҳамда ҳамжиҳатлик, файзу барака, соғлом муҳитни мустаҳкамлаш йўлидаги хизматлари ҳар қанча эътирофга лойиқ.

Байрам тадбирида сўзга чиққанлар, аёл эъзоз топган, эъзоз толаётган жамият ўз-ўзидан тараққий этишини таъкидлаб баҳор элчиси бўлган байрам билан ўзларининг самимий тилақларини изҳор этишди.

Адлия вазирлиги Ахборот хизмати

Эҳтиром

Умрингиз дарёси боғлар яратсин!

ДОНИШМАНД устоз шоғирдига узоқ тикилди.

Шоғирд: — Устоз, нега ўйланиб қолдингиз?

Устоз: — Мен Сизда ўз ёшлигини кўрдим. Сиз ўзингиз нега менга қараб ўйга ботдингиз?

Шоғирд: — Мен Сизда ўз кексалигини кўргандай бўлдим.

Ҳаётнинг ўзига хос фасллари, фалсафаси бўлади. Бундан ҳар ким ҳар хил маъно топади.

Кексаларни қадрлаш, устоз аталмиш табаррук зотларни эъзозлаш, уларнинг ҳаёт йўлларида сабоқ олиб, олижаноб хислати, эзгу амалларини давом эттириши ўзбек халқининг энг улуғ қадриятларидан саналади. Зотан, "Устоз — отангдек улуғ", деган сўз замирида улкан ҳикмат мужассам.

Адлия тизимида ҳам фидокорона меҳнати, касбий садоқати, самарали ҳаёт йўли ёшларга ибрат бўлиб, шоғирдларининг ҳурмат-эҳтиромига сазовор меҳнат фахрийлари кўп. Узоқ йиллар адлия тизимида ҳалол меҳнат қилиб, кексалик гаштини сураётган андижонлик **Матлуба Тўхтасинова** ва **Дилором Тожиева**лар ана шундай инсонлар сирасидандир. Уларни ҳақли равишда мамлакатимиз ёшларининг таълим-тарбияси, соғлом оила муҳитини шакллантириш борасида катта ҳаётий тажрибага эга муҳтарама зотлар дейиш мумкин.

Хусусан, Матлуба Тўхтасинова меҳнат фаолиятининг қарийб 15 йилини Избоскан, Улуғнор тумани ФХД бўлимларининг мудирлиги лавозимида элу юрт хизматига бағишлади. Бу вақт давомида фуқаролик ҳолати билан боғлиқ ҳужжатларни расмийлаштириш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, "Оила" аталмиш бахт кўргонини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшди. Касб сир-асрорларини ёш мутахассисларга ўргатиш, ўзи каби фидойий шоғирдлар тарбиялаб етиштириш.

1973 йили Тошкент Давлат университетини битириб, қўлига ҳуқуқшунос дипломини олган, Матлуба она халқига сидиқидилдан хизмат қилишга аҳд қилди. Бугунги кунда, эзгу нияти ушалган, фарзандлари ва шоғирдларининг ҳурмат-эътибори оғушида умргузаронлик қилаётган она дориламон



қунараимизга шуқроналик, элу юртимизга тинчлик-омонлик тилаб асло чарчамайди.

Шунингдек, меҳнати қадрланган ва эътироф этилган, босиб ўтган ҳаёт йўллари ва касбий малакаси ёш мутахассисларга ибрат бўлаётган яна бир меҳнат фахрийси Дилором она Тожиева адлия органлари жамоасининг фахр-ифтихори саналади.

1976 йилда Андижон давлат педагогика институти битирган она 1996 йилгача Олтинқўл туман ФХД бўлими мудираси лавозимида ишлади. Камтаринлиги, жонқуярлиги билан эл назарига тушди. Ёш оилаларнинг маслаҳаттўйи, хотин-қизларнинг маънавий онахонига айланди. Асли касби муаллим бўлгани боисми, ёш келин-куёвларнинг никоҳини расмийлаштиришни, энг аввало, никоҳнинг муқаддаслиги, мустаҳкам оила ва соғлом фарзандларни тарбиялаб ўстиришнинг сир-синоатлари борасидаги тушунчалар билан бошлашни одат қилди.

Кексалари қадрланган, уларнинг фидойи меҳнатлари юксак эътирофга сазовор бўлаётган инсонпарвар давлатимизда Матлуба Тўхтасинова ва Дилором Тожиева каби инсонлар ҳаётида элу юрт эъзозиди, ҳурмат ва эҳтиром оғушида.

Адлия органлари ва муассасалари ҳамда барча фахрийлар жамоаси уларни қўлғу ёшлари, шунингдек, баҳор айёми Халқаро хотин-қизлар байрами ва Наврўзи олам билан муборакбод этиб, узоқ умр, сийхат-саломатлик тилайди.

Ҳар қайсингизнинг умрингиз дарёлари боғлар яратсин!

Эрмуҳаммад ШЕРМАТОВ,
Адлия вазирлиги Фахрийлар
кенгаши раиси



"Ишонч телефони"да:
махсус линия

Сизнинг
ҳуқуқларингиз

адлия органлари ҳимоясида

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Адлия вазирлигининг 2015 йил 2 июлдаги 143-ум-сон буйруғига асосан адлия органлари "Ишонч телефони"га келиб тушган муносабатларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомига мувофиқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларидан ҳамда жисмоний шахслардан уларнинг қонуний ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини таъминлаш масалалари бўйича аризалар, таклифлар ва шикоятларни қабул қилиш учун адлия органлари телефон алоқасининг махсус линияси ташкил этилди. Бунда:

Адлия органининг "Ишонч телефони"га қўнғироқ қилиш орқали

Бир рақамини босиб,
— Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласида;
Икки рақамини босиб,
— Нотариат, адвокатура ва ФХД органлари масаласида;
Уч рақамини босиб,
— Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласида;
Тўрт рақамини босиб,
— Шартномавий-ҳуқуқий ишларни назорат қилиш масаласида;

Беш рақамини босиб,
— Адлия органлари ходимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари масаласида;

Олти рақамини босиб,
— Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг ижро этилиши масаласида;

Етти рақамини босиб,
— Суд департаменти органлари ходимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари масаласида ва бошқа ҳуқуқий ёрдамлар олишнинг мумкин.

Қўп каналли "Ишонч телефони"га қилинган муносабатлар Адлия вазирлигининг марказий аппаратида, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигида, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларида электрон манбага ёзиб олинади.

Реклама ўрнида

НАМКОРВАНК

Мижозларга қўлай молиявий шароит яратиш

бош мақсадимиз

БУГУНГИ кунда юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар натижасида тадбиркорлик билан шуғулланиш учун кенг имкониятлар ҳамда қўлай шарт-шароитлар яратилмоқда. Бунинг натижасида мамлакатимиз тараққиётига ҳисса қўшаётган ишбилармонлар сафи янада кенгаймоқда. Улар орасида ёшлар ҳамда хотин-қизларнинг ҳам борлиги янада қувонарлиқдир. Қолаверса, иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, бандлик масаласини ҳал этиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тобора муҳим ўрни эгалламоқда. Шу боис ҳам мазкур соҳани ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга давлатимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда. Албатта, бу каби сарф-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш ҳамда тадбиркорларнинг лойиҳаларини рўйбга чиқаришда тижорат банклари ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Бу борада "Hamkorbank" акциядорлик тижорат банки ва унинг филиаллари томонидан ажратилган кредитлар, энг аввало, миллий иқтисодиётимизни юксалтириш, аҳоли фаровонлигини ошириш, маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва янги иш ўринларини яратишга хизмат қилмоқда.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда молия бозорида нуфузи мустаҳкамланаётган чет эл капитални иштирокидаги "Hamkorbank" АТБ ўз филиаллари орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида ажратилаётган кредитлар салмоғини ошириб бормоқда.

Бу эса, ўз навбатида, ишлаб чиқариш ускуналарини модернизация қилиш орқали сифатли, рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқаришга хизмат қилмоқда. Шу билан бир қаторда ички бозорнинг сифатли ва арзон озиқ-овқат ҳамда ноозик-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондиришга, энг муҳими, янги иш ўринларининг яратилишига асос бўлмоқда.

Хусусан, мазкур банкнинг Шайхонтоҳур филиали томонидан ўтган 2015 йил мобайнида кичик бизнес субъектлари, тадбиркорлик фаолиятини энди бошлаётган ёшларимиз ва ёш оилаларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида 577 нафар мижозга жами 13 506 миллион сўм кредит маблағи ажратилди. Ушбу кредитларнинг 2 871,4 миллион сўми

жисмоний шахсларга, 10 634,6 миллион сўми яқка тартибдаги тадбиркорларга ҳамда қорхоналарга ажратилган. Бунинг натижасида 15 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

Маълумки, ҳозирги даврда оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари долзарб бўлиб, банк томонидан соҳа ривожига катта эътибор қаратилмоқда. Айниқса, тадбиркор аёлларнинг бизнес лойиҳаларини молиялаштириш бора-бора Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони қўллаб-қувватлаш билан ҳамкорлик қилиб, эл-юрт фаровонлигига ўз ҳиссаларини қўшишда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш борасида ҳам филиал томонидан муайян ишлар олиб боришмоқда. Яқинда тадбиркор аёл раҳбарлик қилаётган "MED DOKTOR HASAN" МЧЖга замонавий медицина хизматларини кўрсатиш учун тиббий ускуна сотиб олишга 60 миллион сўм кредит ажратилгани бунга мисол бўла олади.

Банклар томонидан нафақат оилавий ва хусусий тадбиркорлар молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда, балки касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорликка йўналтириш мақсадида бизнес-режалар ишлаб чи-

қиш ва уларга кредит маблағлари ажратилишга қўмақлашилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2010 йил 28 июлдаги "Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида филиал томонидан коллеж битирувчиларига ҳам имтиёзли шартларда кредитлар ажратилган. Жумладан, ана шундай ёш тадбиркорларимиздан бири коллеж битирувчиси "SIROJ UNIVERSAL BIZNES" МЧЖ раҳбари Хурсанов Сирожиiddин Бердимурод ўғлига қурилиш материаллари ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириш учун 50 миллион сўм кредит берилди. Ҳозирда тадбиркор кўрсатилган рағбатдан илҳомланиб, катта куч ва ғайрат билан меҳнат қилмоқда. У тақдим этган бизнес-режасида банк томонидан ажратилган кредит маблағи ҳисобидан яна 2 та янги иш ўрни ташкил қилиш нияти ифодаланган.

Дарҳақиқат, юртимизда банк соҳасида юз бераётган ислохотлар натижасида халқимиз турмуш фаровонлиги, шу билан бирга истеъмол маданияти ҳам ортиб бормоқда. Бу, ўз навбатида, аҳолига янада сифатли хизмат кўрсатиш заруратини тугдирди. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, банкимизда нафақат кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятига доир кредитлар, балки жисмоний шахслар учун истеъмол кредитлари, мобил ҳамда тезкор хизматлар кўрсатиш ҳам йўлга қўйилган.

Шунингдек, аҳолига турли истеъмол, таълим кредитлари ҳам ажратилмоқда. Бундан қўзланган мақсад, эл-юрт фаровонлиги ва мамлакатимиз иқтисодий ривожига муносиб ҳисса қўшишдир.

Азизжон АКРАМОВ,
Чет эл капитални иштирокидаги
"НАМКОРВАНК"
акциядорлик тижорат банки
Шайхонтоҳур филиали
бошқарувчиси

Хизматлар лицензияланган.

Реклама

Хурматли юртдошлар!

"Асака" банк жамоаси

Юртимизнинг барча аёлларини, онахонларини ва опа-сингилларини
8 март — Халқаро хотин-қизлар куни

байрами билан чин дилдан табриклайди!

Сизларга мустаҳкам соғлиқ ва ҳамиша баҳор гулларидек гўзал бўлишингизни тилаймиз! Мамлакатимиз осмон доимо беғубор бўлсин, Сизларнинг қалбларингиз ҳақиқатда қувончга тўлсин! Байрам муносабати билан қуйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этамиз:

"СОҒЛОМ ОНА
ВА БОЛА"

Ушбу омонатга

ҳисобланган фоизлар ҳар ойда
ёки омонат муддати тугагандан
сўнг берилади.



Шу билан биргаликда "Асака" банк миллий валютада 27 турдаги ва хорижий валютада 17 турдаги қўлай шартларда омонат турларини таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин. Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефонлар
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13
Автотранспорт филиали	371	120-39-95
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36
Юнусобод филиали	371	221-80-67
Сирғали филиали	371	257-44-10
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13
Андижон вилоят филиали	374	223-60-74
Асака филиали	374	233-21-99
Фарҳод филиали	374	226-96-63
Фарғона вилоят филиали	373	244-39-14
Марғилон филиали	373	237-62-23
Олтиариқ филиали	373	432-19-80
Қўқон филиали	373	542-61-01

Филиаллар	Код	Телефонлар
Наманган вилоят филиали	369	227-15-68
Навоий вилоят филиали	436	770-21-29
Зарафшон филиали	436	572-40-14
Бухоро вилоят филиали	365	770-05-19
Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Самарқанд вилоят филиали	366	233-65-47
Афросиёб филиали	366	221-71-76
Қашқадарё вилоят филиали	375	221-07-41
Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Хоразм вилоят филиали	362	228-14-81
Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқ ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

"Асака" банк — сармоянгиш сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

www.asakabank.com

Хизматлар лицензияланган.

ИНСОН ВА ҚОНУН

МУАССИСА:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

www.minjust.uz

2007 йил 3 январда
Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
саноати вазирлиги
0081-рўқсат билан
рўйхатга олинган

ISSN 2010-7491

7720107491008

Бош
муҳаррир
Кўчқор
НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Усманов Аявар
Акрамович

Очилов Азизжон
Мухлимович

Мамаладиева Зайниддин
Очилов

Эргашева Дилфуза
Рустамовна

Навбатчи
Ербек
ИСКАНДАРОВА

Саҳифаловчи-
дизайнер
Тўлқун
РАҲМОНОВ

"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичида, 4 босма табоқ ҳақмида, офсет усулида "Ўзбекистон" нашриёт матбаа иккидэй уйда чоп этилди.

Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30-уй.

Ушбу сонда ҲаА суратларидан фойдаланилди.

Нашр индекси: 137

Тиражи — 22966.
Бюрофта S-5342.

Топшириш вақти — 19:00
Топшириш — 19:00

МАНЗИЛИМИЗ:
100192, Тошкент ш.
Буюк Ипак йўли кўчаси-1.
Тел: 268-19-74,
Факс: 268-19-31
Обуна бўлими: 268-19-97

Баҳоси қўлланганимиз нархда

1 2 3 4 5